

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЬАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**

Малака ошириш тармоқ маркази директори  
\_\_\_\_\_ О. О. Ҳасанов  
2015 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

**“МАДАНИЯТШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ  
МУАММОЛАРИ”**

**ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи: доцент Ш. Қўлдошев**

**Тошкент – 2015**

# **Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик**

## **Кириш.**

### **I. Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Маданиятшунослик назарияси фанининг долзарб масалалари”**

**модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини маданиятшунослик назариясининг долзарб муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, педагогик муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Маданиятшунослик назарияси фанининг долзарб масалалари”**  
**модулининг вазифалари:**

- Тингловчиларга Маданиятшунослик назарияси фанининг долзарб масалалари бўйича илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга қўмаклашиш;

- Маданиятшунослик фанларининг тарихи ва шаклланиши, унинг асосий йўналишларини, бугунги кундаги ҳолати ва ундаги долзарб муаммоларини илмий назарий таҳлил этиш ва ўзига хос хусусиятлари, мақсад ва вазифаларини тингловчиларга етказиш;

- Маданиятшунослик фанининг муаммоларининг ечимларига қаратилган илмий тадқиқот ва изланишлар натижалари ва маданиятшунослик назариясининг модернизациясини таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган назарий-концептуал масалаларни, бу жараёнда таълим-тарбия ролининг ошиб бориши, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислоҳотлар, эришилган ютуқларни олий таълим тизими билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш, таълим-тарбиянинг узлуксизлигини таъминлашнинг шарт-шароити ва омилларини Президент асарларига таянган ҳолда ўрганишдан иборат.

### **Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар**

**“Маданиятшунослик назарияси фанининг долзарб масалалари”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- маданиятшунослик назарияси билан боғлиқликда юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари; замонавий маданиятга оид атамаларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар; олий таълимда маданиятшунослик фанини ўқитиши билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини билиши керак;

- Маданиятнинг ривожланиши қонуниятларининг янгича назарий концепцияларининг мазмун-моҳиятини ёритиш, уни таълим-тарбия жараёнида қўллашнинг афзалликлари тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий

тахлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;

- маданиятшунослик назарияси долзарб муаммоларни аниқлаш, тахлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш малакаларини эгаллаши лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитишида илфор тажрибаларидан фойдаланиш”, “Санъатшунослик фанининг долзарб масалалари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар маданиятшунослик назарияси долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни тахлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

#### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Мустақил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		Жумладан		
			Жами	Назарий	Амалий машгулот		
1.	Маданиятшунослик фанини олий таълим тизимида шаклланиши.	2	2	2			
2.	Маданиятшунослик фанининг бугунги кундаги ҳолати ва ундаги долзарб муаммолар.	2	2		2		
3.	Маданиятшунослик фанида олиб борилган илмий тадқиқодлар таҳили.	2	2		2		
4	Жаҳон маданиятшунослигининг илмий мактаблари ва уларнинг концепциялари.				2		
5	Аҳоли билан ишлайдиган маданий институтлар, ижодий институтлар билан ҳамкорлик асосида иш олиб, тажриба алмашиши.					2	
	<b>Жами:10 соат</b>	10		2	6	2	

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1- мавзу: Маданиятшунослик фанини олий таълим тизимида шаклланиши. (2 соат)**

Режа:

1. Маданиятни ўрганувчи фанлар ва уларнинг тарихи
2. Маданиятшунослик фанларининг шаклланиши

Маданият мураккаб ва серкирра ҳодиса сифатида турли фанлар томонидан ўрганилиши. Маданият ҳамда шахс тарбияси ва камолоти билан боғлиқ масалаларни тизимли тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги. Ҳар бири ўзига хос ривожланиш қонуниятларига, ички ривожланиш мантиқига эга адабиёт, санъат, ахлоқ, ҳалқ оғзаки ижоди каби кўплаб ҳодисалар унинг турли соҳалари. Уларнинг ҳар бири инсон билимлари ривожланиб бориши билан алоҳида илмий изланишлар объектига айланди ҳамда адабиётшунослик, санъатшунослик, эстетика, этика, фолькоршунослик каби мустақил фанларнинг шаклланиши. “Маданиятшунослик” атамасини маданиятнинг турли соҳаларини ўрганувчи фанларга нисбатан бир умумлашма деб олиш мақсаддага мувофиқ ҳисоблаш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **2-мавзу: Маданиятшунослик фанининг бугунги кундаги ҳолати ва ундаги долзарб муаммолар.**

**(2 соат)**

Режа:

1. Маданиятшунослик назарияси фанининг долзарблиги ва типологияси.
2. Маданиятшунослик назарияси ва унинг илмий жиҳатдар асосланиши.
3. Маданиятшуносликнинг бугунги ҳолати ва муаммолари.

Маданиятшунослик назариясининг фан сифатида шаклланиши, мақсади, вазифалари, назарий ва амалий аҳамияти. Маданият тараққиётининг умумий қонуниятлари. Маданиятшунослик маданият ҳақидаги фан эканлиги. Маданият феноменини илмий жиҳатдан тушунтириши. Маданиятшуносликнинг бугунги кундаги ҳолати. Ундаги долзарб муаммолар, уларнинг ечимларига қаратилган илмий тадқиқот ва изланишлар натижалари.

### **3-мавзу: Маданиятшунослик фанида олиб борилган илмий тадқиқотлар таҳили. (2 соат)**

**Режа:**

1. Маданиятшунослик фанининг муаммолари.
2. Маданиятшунослик фани соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар

Маданиятшунослик фани бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлар. Маданиятшуносликка оид тадқиқотларда берилган хулосалар ва илмий янгиликлар. Илмий натижаларни Маданиятшунослик фани ўқув дастурига киритилиши ва ўқув жараёнида унумли фойдаланишини йўлга қўйилиши. Ушбу муаммони ечими кўпроқ олий ўқув юртлари билан илмий тадқиқот муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликда ишлаш.

### **4-мавзу: Жаҳон маданиятшунослигининг илмий мактаблари ва уларнинг концепциялари. (2 соат)**

**Режа:**

1. Ҳозирги даврда маданият ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Маданиятшунослик тараққиёти истиқболи: моҳият ва майллари.
3. Маданиятшунослик назарияси фанининг назарий ва амалий аҳамияти.

Маданиятшунослик назарияси фанининг жамият тараққиётида тутган ўрни. Фаннинг бошқа ижтимоий – гуманитар фанлар тизимидағи ўрни. Бугунги кунда маданиятшунослик назарияси фанининг тадқиқот предмети – маданият эканлиги. Маданиятшунослик назарияси фанининг назарий ва амалий аҳамиятини очиб бериш.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

### **5- Мавзу: Аҳоли билан ишлайдиган маданий институтлар, ижодий институтлар билан ҳамкорлик асосида иш олиб, тажриба алмашиши. (2 соат)**

Маданий сиёсатнинг мақсади. Бўш вақтни тўғри ташкил этиш. Маданий институтлар, уларнинг сони. Ижодий институтлар билан ишлаш. Маърифий институтлар, эстетик тарбия институтлари, бўш вақтни ўтказиш институтлари, маданиятни муҳофаза қилиш институтлари, ижодий институтлар фаолияти

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

1. Маданиятшунослик ва санъатшунослик фанларини ўқитишида ҳорижий мамлакатлар тажрибалари.
2. Маданиятшунослик фанидаги ўзгаришлар ва мустақиллик даври асосий йўналишлари.
3. Маданият ва санъат тарихи фанларини ўқитишида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари.

4. Маданият ва цивилизация.
5. Маданиятнинг инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрни.
6. Шарқ уйғониш даври маданиятининг ўзига хос хусусиятлари.
7. Исломий қадриятлар ва ҳозирги замон.
8. Ўзбекистонда жамиятнинг маънавий янгиланиши жараёнидан маданий меросга муносабат.
9. Анъанавий маданиятнинг дунё маданиятида тутган ўрни.
10. Модернизм ва постмодернизм маданияти (XVI-XXI асрлар).
11. Маданий ва маънавий мерос.
12. Истиқлол миллий маданий тараққиётнинг омили.
13. Уйғониш даври маданиятининг дунё маданияти тараққиётида тутган ўрни.
14. Хонликлар даврида маданиятнинг аҳволи
15. Экологик маданият.
16. Турк ҳоқонлиги даври маданиятининг ўзига хос хусусиятлари.
17. Чор Россия ва мустабид шўро давлати даврида миллий маданиятни аҳволи.
18. XX аср маданияти ва унинг ривожланиш муаммолари.
19. Оммавий маданиятнинг психологик ва социал илдизлари.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2012.
- 1.2. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонунию – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
- 1.3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. – 9-сон.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари**

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Ёш оиласаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». «Халқ сўзи» газетаси, 2007 йил 19 май.
- 2.2. “Ўзбеккино” давлат акциядорлик компаниясини тузиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1996 йил 29 апрель // Ўзбекистон Президентининг Фармонлари. 4. – Тошкент: Адолат, 2000.
- 2.3. Ўзбекистонда миллий ракс ва хорография санъатини ривожлантириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1997 йил 9 январь // Ўзбекистон Президентининг Фармонлари. 4. – Тошкент: Адолат, 2000.
- 2.4. Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳакида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. 1997 йил 27 февраль
- 2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533 сонли қарори.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг хуқуқий-меъёрий хужжатлари**

3.1. “Жаҳон адабиёти” журналини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 1997 йил 27 февраль // Халқ сўзи. 1997 йил 1 март.

3.2. Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 2012 йил 26 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2012 йил, 39-сон.

3.3. Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида. 2011 йил 23 февраль. // Номоддий маданий мерос бўйича меъёрий хужжатлар (тўплам). – тошкент 2013. – Б. 55.

### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

4.1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.

4.2. Каримов И.А. Ўзбекистон Ислом цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси. Халқаро илмий-амалий конференциядаги сўзи. «Халқ сўзи», 2007 йил 15 август.

4.3. Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс хиссасининг юксак эътирофи. Президент И.Каримовнинг «Туркистон – пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси. «Халқ сўзи» газ. 2007 йил 23 февраль.

4.4. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Тошкент: 1994.

4.5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. – Тошкент: 1998.

### **V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар... (алифбо тартибида)**

5.1. Маврулов А., Дехқонов И. Маданият тарихи (ўқув қўлланма). Тошкент.: 2004.

5.2. Мусаев Н., Азимов. И. Маданиятшунослик (ўқув қўлланма). – Тошкент.: “Muxarrir”, 2010.

5.3. Усмонов Қ ва бошқалар. Маданиятшунослик (ўқув қўлланма). – Тошкент.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008.

5.4. Қорабоев У. Соатов Ф. Ўзбекистон маданияти (ўқув қўлланма). Тошкент.: “Tafakkur bo’stoni”. 2011.

5.5. Қўлдашев Ш. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг қайта тикланиши (ўқув қўлланма). – Тошкент: Турон-икбол, 2012.

### **VI. Интернет сайtlари**

6.1. [www.bilim.uz](http://www.bilim.uz).

6.2. [www.philosophy.ru](http://www.philosophy.ru).

6.3. [www.filosofiya.ru](http://www.filosofiya.ru).

6.4. [www.philosophy.nsc.ru](http://www.philosophy.nsc.ru).

6.5. [http://philosophy.albertina.ru](http://http://philosophy.albertina.ru).

6.6. [www.history.ru](http://www.history.ru).

6.7. [www.philosophy.com](http://www.philosophy.com).

6.8. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) - Хукумат сайти

6.9. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz) - Президент сайти

6.10. [www.edu.uz](http://www.edu.uz) - Вазирлик сайти

6.11. [www.ziyo.edu.uz](http://www.ziyo.edu.uz) - Вазирлик сайти

6.12. [www.performance.edu.uz](http://www.performance.edu.uz) - Вазирлик сайти

6.13. [www.tseu.fan.uz](http://www.tseu.fan.uz) - ТДИУ сайти

6.14. [www.tseu.uz](http://www.tseu.uz) - ТДИУ сайти

6.15. [www.dsni.uz](http://www.dsni.uz) - ЎзДСМИ сайти

6.16. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

6.17. [www.dsminmarkaz.uz](http://www.dsminmarkaz.uz)

## **МАЪРУЗА МАТНИ**

### **1-мавзу. Маданиятшунослик фанини олий таълим тизимида шаклланиши (2 соат)**

#### **Режа**

1. Маданиятни ўрганувчи фанлар ва уларнинг тарихи
2. Маданиятшунослик фанларининг шаклланиши

#### **Калит сўзлар:**

Маданиятшунослик предмети. Менталитет. Диалектик метод. Системали ёндашув методи. Тарихийлик методи. Маданият тушунчаси. Моддий ма-даният. Маънавий маданият. Маданиятнинг вазифалари. Цивилизация.

**Маданиятни ўрганувчи фанлар ва уларнинг тарихи.**  
Маданиятшунослик фани Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан кейин республикамиз Олий ўкув юртларида алоҳида фан сифатида ўқитиш йўлга қўйилди.

Маданиятшунослик фанининг предмети ва тадқиқот обекти инсониятнинг бир неча минг йиллар давомидаги маданий фаолият, маданият тараққиёти тарихи ва назариясини ўрганишдан иборат. Кўлингиздаги ўкув қўлланма “Маданиятшунослик” фанининг предмети, мазмун-моҳияти, методологик асослари, ижтимоий вазифалари очиб берилган. Уни ўқиши жараёнида моддий маданият, маънавий маданият, цивилизация, қадриятлар, миллий қадриятлар, умуминсоний қадриятлар, маънавий-маданий мерос ту-шунчаларининг маъно-мазмунини билиб оласиз.

Қадимги Шарқ маданияти, антик давр ва ўрта асрлар Европа маданияти, Шарқ Уйғониш даври маданияти, Европа Уйғониш даври маданияти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, жа-хон цивилизациясида тутган ўрни ёритилган. Унда Бағдод Маъмун ака-демияси, Хоразм Маъмун академияси, Улугбек академияси, Европа мамлакатларида ташкил топган университетларнинг фаолият, уларнинг илм-фан, маданият, маърифат тараққиётидаги ўрни, жаҳоншумул аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, XIX аср охирида содир бўлган саноат тўн-тарилиши, XX аср иккинчи ярмида юз берган илмий-техника инқилоби, кибернетика, космонавтика, ахборот технологиялари ривожи, уларнинг инсониятт ҳаётидаги ўрни каби масалалар ёритилган.

Маданиятшунослик фани янгича фикрлашни, инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантирувчи фан сифатида Ўзбекистоннинг миллий тикланишида, таълим-тарбия тизимида муҳим рол щинайди.

Биз ўтмиш аждодларимиздан қабул қилиб олган маданий-маънавий меросни ўз тажрибаларимиз билан тўлдириб, ривожлантириб борамиз ва

келажак авлодларга мерос қилиб қолдиралып. Бу узлуксиз умумбашарий аҳамият-га молик жараён. Ҳозирги мураккаб дунёда инсон, унинг ҳаёти, езгу-лик, меҳр ва мурувват, адолат, ҳақиқат, еркинлик, тенглиқ, тинчлик, дўст-лик, бахт-саодат, ватанпарварлик каби енг олий умуминсоний қадриятларни аср-авайлашимиз зарур. Шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг: «Кириб келаётганган XXI асрда дунёни маданият ва маънавият кутқаради» деган сўзларини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Маданиятшунослик энг ёш фан хисобланади. У асосан XX аср иккинчи ярмида ижтимоий муаммоларни ечишда маданиятнинг таъсирини кўтаришга, таълим-тарбия ишларини инсонпарварлаштиришга, еҳтиёжнинг кучайиши натижасида мустақил фан сифатида шаклланди. Ғарб мамлакат-лари Олий ўқув юртларида Маданиятшунослик фани ўқитила бошланди. Собиқ Совет Иттифоқи даврида маданиятшуносликка сохта фан деб қаралди, унга етарли эътибор берилмади, таълим муассасаларида ўқитилмади.

**Маданиятшунослик фанларининг шаклланиши.** Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан кейин мадани-ятшунослик фани республика Олий ўқув юртларида алоҳида фан сифатида ўқитиш йўлга қўйилди.

Хўш, маданиятшунослик қандай фан?

Маданиятшунослик фанининг **предмети** инсон фаолият, инсониятт томонидан яратилган моддий ва маънавий қадриятлари цивилизацияларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши, маданиятлараро мулокот каби долзарб масаласидир. Маданиятшунослик фани инсонияттга хос маданий жараённи, унинг мазмунмоҳияти ва аҳамиятини таҳлил қиласиган, маданият тараққиётининг умумий қонунларини ўрганадиган гуманитар фандир.

Маданиятшунослик фани, **биринчидан**, инсониятт тараққиётининг ибтидоиу турмуш тарзидан то ҳозирги кунгача бўлган даврдаги маданий жараённи бутунлигича, яхлит идрок етишга, маданият тараққиёти ҳақида барча фанлар томонидан тўпланган билим ва тушунчаларни интегратсиялашга қўмаклашувчи фандир.

**Иккинчидан**, маданиятшунослик маданиятни мураккаб ва динамик ҳодиса, ўзига хос феномен, система сифатида ўрганувчи фандир.

**Учинчидан**, инсониятт тараққиётининг барча босқичларига хос маданий жараённи, инсонлар томонидан яратилган моддий ва маънавий -маданий ютуқларни таққослаш, солишириш орқали енг умумий маданиятшунослик қонунларини аниқловчи фандир.

**Тўртинчидан**, ҳозирги замонда жаҳонда кечеётган глобаллашув шароитида маданиятлараро мулокот, миллий маданиятлар ўртасидаги алоқалар ҳақида талабаларда назариу билим ва амалиу кўнижмалар ҳосил қилишга ўйналирилган фандир. Маданиятшунослик фани бошқа гуманитар фанлар билан бевосита боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Маданиятшунослик гуманитар фан сифатида фалсафа фани билан яқин алоқадордир. Фалсафа фанининг асосий масаласи рух ёки материя бирлам-

чими деган масала емас, балки инсониятт ҳаётининг маъно-мазмуни масаласидир. Айнан бу масала билан маданиятшунослик фани ҳам шуғулланади. Фалсафа фани оламда инсоннинг ўрни, жамият тараққитёти ҳақида мулоҳаза юритади, жамият тараққиётининг умумий қонунларини тадқиқ қиласди. Бу масалаларни тадқиқ қилиш у ёки бу даражада маданиятшуносликка ҳам хосдир. Фалсафа фанининг вужудга келиши ва ривожланишининг ўзи маданият тараққиётининг маҳсулидир.

Маданиятшунослик социология фани билан ҳам яқин алоқадордир. Негаки, сотсиологиянинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаёти, жамиятда кишиларнинг мавқейи ҳақида тўплаган маълумотларидан маданиятшунослик фанида фоудаланилади. Умумназариу хulosалар чиқаришда сотсиологик материаллар далил сифатида хизмат қиласди.

Маданиятшунослик фани Политология (сиёсатшунослик) фанининг давлат қурилиши ва тузилиши, сиёсий режимнинг турлари ва хусусиятлари, жамиятни сиёсий бошқариш усуслари ҳақидаги маълумотларига асосланади, уларга таяниб давлат бошқаруви, сиёсий маданият ҳақида умумий назариу хуло-салар чиқаради.

Маданиятшунослик фани инсоннинг ички дунёси ҳақида фикр юритишида психология фани ютуқларидан, жамият тараққиётининг турли босқичларида турмуш тарзи, урф-одатларни, миллий маданий менталитетларни тасвирлашда етнография фани маълумотларига асосланади.

Маданиятшунослик фани тарих фани билан бевосита боғлиқдир. Маданиятшунос жаҳон ҳалқлари тарихини яхши билмоғи зарур. Бусиз инсоният тараққиётининг турли босқичларида шаклланган тарихий маданият турларини, уларнинг хусусиятларини, у ёки бу даврга хос маданий ментали-тетни тасвирлау олмайди. Инсонияттнинг шаклланиши ва тараққиёти ҳақида-ги тарихий фактлар, воқеа-ходисаларни билиш, маданиятнинг келиб чиқиши ва ривожланиши жараёни тўғрисида назариу хulosалар қилишга, маданий тараққиётга хос қонунлар чиқаришга кўмаклашади. Шу нуқтаи назардан қараганда, маданият тарихи маданиятшунослик фанининг тарки-биу қисмидир. Шунингдек, маданиятшунослик фани бошқа ижтимоий-гу-манитар фанлар билан ҳам яқиндан алоқададир.

Маданиятшунослик фани бошқа гуманитар фанлардан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қиласди. Маданиятшунослик фанини тадқиқот обьекти турли ҳалқларнинг кўп асрлик маданий ҳаёти, ўзига хос жиҳатлари ва умумий илдизларини, Шарқ ва Ғарб маданиятининг тараққиёт босқичлари, ўзига хос хусусиятлари ва муштараклигини, миллий ва минтақавий маданият-нинг жаҳон маданияти равнақига таъсирини, маданиятнинг ттаркибий тузили-ши, маданиятлараро мулоқот муаммолари, уларнинг инсониятт ҳаётида-ги ролини ўрганишдан иборат.

Маданиятшунослик фани турли даражалардаги миллий минтақавий ва жаҳон маданиятига, унинг алоҳида шахслардан то бутун инсонияттгача бўлган

турли хил объектларига тадбиқан қўллаш мумкин бўлган енг умумий маданиятшунослик қонуниятларини аниқлаш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтганда, маданиятшунослик фанининг предмети, унинг тадқиқот обьекти инсонияттнинг асрлар давомидаги маданий фаолият, жаҳон халқларининг маданий тараққиёт ютуқларини, уларнинг ранг-баранглиги ва маъно-мазмуинини, маданиятларо мулоқот масалаларини ўрганишдан иборат.

Маданиятшунослик фани тадқиқот олиб бориша бир қатор методологик тамойилларга таянади. Диалектик метод маданиятшуносликнинг муҳим методи бўлиб, инсонияттнинг маданий ҳаётини, минг йиллар давомида инсонлар яратган моддий ва маънавий ютуқларни яхлит, умумий ва ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганишга имкон беради. Диалектик метод бирон-бир мамлакат ёки минтақада кечган маданий жараённи, жумладан Ўзбекистон халқининг асрлар давомида шаклланган маданиятини жаҳон халқлари маданияти ривожи билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш, тадқиқ қилишга кўмаклашади ва маданий тараққиётга хос умумий маданиятшунослик қонуниятларини очишга имкон беради.

Маданиятшунослик фани обьектни ўрганишда илмий билишнинг тизимили (*системали*) ёндашув методига таянади. Системали ёндашув бўлакларни бутун орқали, бутунни унинг бўлаклари орқали таҳлил этиш, ўрганишни тақозо етади. Бу метод маданият таркибига кирувчи тил, дин, ҳукуқ, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, адабиёт, санъат ва ҳоказо бўлаклар орқали бутун жамият тараққиёти тўғрисида умумлаштирилган хулосалар чиқаришга, жамият тараққиёти орқали еса маданият таркибига кирувчи бўлакларни таҳлил қилишга имкон беради.

Маданиятшунослик фани ўз тадқиқотларида *тарихийлик методига* асосла-нади. Тарихийлик методи маданиятга давриу нуқтаи назардан ўзгариб, ян-гиланиб, ривожланиб, бойиб борувчи жараён сифатида қарауди. Тарихийлик методи ҳар бир халқ маданиятини, ҳар бир давр маданиятини ўз даври нуқтаи на-зардан баҳолашни, ҳозирги маданий ҳаётни ва еришилган ютуқларни ўтган замон маданиятига таққослаб тасаввур қилиш, тасвирашни талаб қиласди.

Маданият барча мамлакатларда бир текисда ривожланувчи жараён емас. Турли халқларнинг турмуш тарзи, менталитети<sup>1</sup>, маданий онги, тили, та-факкури бир-биридан фарқ қилиши табиий. Шу боисдан маданиятшунос уларни бир-бирига қарама-қарши қўумасдан таҳлил қилиши, маъно мазмуинининг мағзига тушуниб этишга интилмоғи лозим. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий му-носабатлар таъсирида маданият тараққиётида инқирозли ёки сакраш ҳолатлари ҳам юз бериб туради. Бундау ҳолатларни таҳлил қилишда иқтисодий, сотсиологик, статистик ва билишнинг бошқа илмий методлардан ҳам фоудаланилади.

Маданиятшунослик фани ўз предметини ўрганишда тадқиқотчидан ўз идроки, ички сезгилари билан ҳис қилиши орқали ҳақиқатни англашни ҳам

<sup>1</sup> Mentalitet (lotincha mentalis – aqliy) – аytim kiši yoki ijtimoiy guruhga xos aqliy qobiliyat darajasi, ma’naviy salohiyati. Millatning mentaliteti o’ziga xos tarixiy an’analar, urf-odatlari, diniy e’tiqodi, yashab turgan tarixiy makoni, shart-sharoitlari, ijtimoiy faolligi va boşqa omillar bilan bog’liq holda izohlanadi.

талаң қиласы. Бу тамойил турли хил маданият соҳаларига чукурроқ кириш-га, далил-у ашёлар ёрдамида исботларсиз бевосита ички сезгилар, мушоха-да орқали ҳақиқатни билиш имкониятини беради. Шунингдек, маданиятшунослиқда маданиятнинг моддий ва маънавий унсурларини талқин қилиш, турли даврларга хос ёзув матнларини *шарҳлаш, изоҳлаб бериш, тушиунириши* (*Герменевтика*) усулидан ҳам фоудаланилади.

Хуллас, маданиятшунослик бошқа фанлар сингари илмийлик, холислик, ҳаққонийлик талабларига жавоб берувчи билишнинг аник методларига таянган ҳолда тадқиқот юритади.

Маданиятшунослик фанини ўрганишнинг зарурияти шундаки, инсоният жамият тараққиётига фақат сиёсий, иқтисодий, техникавиу, ҳуқуқий тадбирлар билан еришиб бўлмайди, шулар билан бир қаторда жамият маъна-виу-маданий ҳаётини ҳам юксалтиришга еришмоғи зарур бўлади. «Маънавият йўқ жойда, – деган еди Президент Ислом Каримов, – ҳеч қачон баҳт-саодат бўлмайди».

### **Саволлар:**

1. Жаҳон маданияти тизимида илм-фан қандай аҳамиятга эга?
2. Маданият ўзгариши ёки трансформацияси
3. Маданият динамикасида инновациялар?
4. Маданиятшунослик фан сифатида Ўзбекистонда қачондан бошлаб олий ўқув юртларида ўрганила бошланди?
5. Маданиятшунослик вазифалари нимадан иборат?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ахмедова Э., Габидуллин Р. Культурология. –Т., 2001.
2. Есин А.Б. Введение в культурологию: Основные понятия культурологии в систематическом изложении. –М., 1999, стр. 5-61.
3. Усмонов Қ ва бошқалар. Маданиятшунослик. ўқув қўлланма. –Т.: - “ИҚТИ-СОД-МОЛИЙА”, 2006.
4. Очилдиев А. Маданият фалсафаси. Тошкент., 2010.
5. Мусаев Н ва бошқалар. Маданиятшунослик. Тошкент., 2012.

### **Кўшимча адабиётлар**

1. Бобоев Ҳ. в. б. Маданиятшунослик. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2001.
2. Гуревич П. Культурология. – Москва., 2000.

## **Амалий машғулотлар**

### **2-мавзу: Маданиятшунослик фанининг бугунги кундаги ҳолати ва ундаги долзарб муаммолар.**

**(2 соат)**

**Режа:**

1. Маданиятшунослик назарияси фанининг долзарблиги ва типологияси.
2. Маданиятшунослик назарияси ва унинг илмий жиҳатдар асосланиши.
3. Маданиятшуносликнинг бугунги ҳолати ва муаммолари.

Маданиятшунослик назариясининг фан сифатида шаклланиши, мақсади, вазифалари, назарий ва амалий аҳамияти. Маданият тараққиётининг умумий қонуниятлари. Маданиятшунослик маданият ҳақидаги фан эканлиги. Маданият феноменини илмий жиҳатдан тушунтириши. Маданиятшуносликнинг бугунги кундаги ҳолати. Ундаги долзарб муаммолар, уларнинг ечимларига қаратилган илмий тадқиқот ва изланишлар натижалари.

1-Илова.

### **“Блиц-сўров саволлари**

1. Маданий мерос нима?
2. Маданият тараккиётининг асосий қонунини изохланг;
3. Маданият, анана удумларни тула инкор этиш нималарга, олиб келади?
4. Турли маданиятлар мулокотининг зарурлиги ва аҳамияти?
5. Маданий ворислик механизми кандай амал килди?
6. Миллий байрам-анъаналарининг аҳамияти?
7. Узбек халки яратган кайси кадриятлар умуминсоний кийматга эга?
8. Маданий ва маърифий меросга нисбатан Узбекистонда кандай сиёsat амалга оширилмоқда

2-Илова.

## **«ИНСЕРТ» техникасидан фойдаланиб ишлаш қоидаси**

Маъруза матнини ўқиб, матн четига қуидаги белгиларни қўйиб чиқишингиз лозим.

- Биламан.
  - Мен учун янги маълумот,
  - Мен билган маълумотни инкор қиласди.
- ? – Қўшимча маълумот (Аниқлаштириш талаб қиласдиган қўшимча маълумот).

**3-илова**

### **Ақлий хужум усули**

**Ақлий хужум** (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.

### **Ақлий хужум ва масалани ечиш босқичлари**

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гурӯҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гурӯҳ муаммосини ечиш учун гурухлаштириш мумкин.
6. Гурухнинг умумий жавоби шакллантирилади.

**4-илова**

### **Б/Б техникасини қўллаш бўйича кўрсатма**

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдиринг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдиринг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдиринг.
4. Маърузани тингланг ва визуал материаллар билан танишинг.
5. 5-устунни тўлтиринг.

### **Б/Б жадвали (Биламан/Билишни хоҳлайман/Билдим)**

<b>№</b>	<b>Мавзу саволи</b>	<b>Биламан</b>	<b>Билишни хоҳлайман</b>	<b>Билдим</b>
1.	Маданият ва оммавий ахборот воситалари.			
2.	Маданият тараққиётининг ривожланиш қонуниятлари			
3.	Миллий ғурур нима?			

4.	Мустақиллик тафаккури деганда нимани тушунасиз?			
5.	Шарқ ва Ғарб Уйғониш даври маданияти.			

### **3-мавзу: Маданиятшунослик фанида олиб борилган илмий тадқиқотлар таҳлили. (2 соат)**

**Режа:**

1. Маданиятшунослик фанининг муаммолари.
2. Маданиятшунослик фани соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар

Маданиятшунослик фани бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлар. Маданиятшуносликка оид тадқиқотларда берилган хуносалар ва илмий янгиликлар. Илмий натижаларни Маданиятшунослик фани ўқув дастурига киритилиши ва ўқув жараёнида унумли фойдаланишини йўлга қўйилиши. Ушбу муаммони ечими кўпроқ олий ўқув юртлари билан илмий тадқиқот муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликда ишлаш.

#### **1. Таққослаш таблицаси Моддий ва маънавий маданиятни таққосланг**

Моддий	Маънавий

#### **Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот бўйича режа-топшириқ ва ўқув-услубий хужжатлар**

##### ***Амалий машғулот режаси:***

1. Баркамол инсон таърифи. Комил инсонинг шарқона фазилатлари.
2. Мустақиллик ва бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида ватанпарварлик туйгуларининг мустаҳкамлаш зарурияти. Ўз миллатига садоқатли бўлишнинг моҳияти.
3. Шахснинг маънавий фазилатлари:
  - а) иймон тушунчаси;
  - б) диёнат тушунчаси;
  - в) адолат тушунчаси;
  - г) меҳр-шафқатлилик тушунчаси;
  - д) эътиқод тушунчаси;

е) миллий ўз-ўзини англаш тушунчаси.

4. Таълим тизими шахс маънавиятини шакллантиришнинг муҳим омилидир

<b>Машгулотнинг мақсади:</b>	Маънавий баркамоллик ва комилликнинг қирралари ва асосий мезонлари ҳамда шахснинг маънавий фазилатлари бўйича билимларни чуқурлаштиришни таъминлаш
------------------------------	--

#### **Тингловчининг ўкув фаолияти натижалари:**

- амалий машғулот режаси билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргар-лик кўради;
- маънавий баркамол инсонни тарбия-лаш заруриятининг ошиб бориш сабабларини санаб беради;
- маънавий баркамол ва комил инсон-нинг ақлий, ахлоқий, маънавий фазилатларини ёритиб беради;
- муаммоли вазифаларни ечишда наза-рий билимларини қўллайди;
- муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади;


#### **Мустақил ўрганиши учун топшириқлар:**

- Суҳбатга тайёрланинг, саволларга жавоб беринг.
- Ўқув топшириқларни бажаришга тайёрланинг.  
Эслатма: 2.1, 2.2, 2.3-га қаранг.
- Ўқув хужжатлар билан танишиб чиқинг.  
Эслатма: 1.1-га қаранг.
- Эссе ёзишга тайёргарлик кўринг.  
Эслатма: 3.1-га қаранг.

<b>Назорат шакли:</b> Оғзаки назорат, савол-жавоб ва ўз-ўзини назорат қилиш.	<b>Максимал балл:</b> 3 б. <b>Тингловчига қўйилган балл:</b>	<b>Ўқитувчи имзоси:</b> _____
---	---	-------------------------------

### **Инсоннинг маънавий фазилатлари**





## 2.2. Топшириқ

### I. Муаммоли топшириқ

*Вазият.* «Жамият тараққиётини ривожланишига асос бўлувчи маънавий баркамол авлодни тарбиялашдаги муаммолар ва уларнинг ечими.

*Вазифа.* Сиз маънавий баркамол, комил инсонни тарбиялаш заруриятининг ошиб бориш сабаблари, унинг миллат мамлакат ва умуминсоният олдида турган улкан вазифалар билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб беришингиз лозим.

### II. Услубий тавсиялар

#### 1. Муаммовий таҳлилнинг босқичлари.

Биринчи босқич – муаммонинг асосий мазмунини ажратиб олишни таклиф қиласи, тадқиқот обьектини аниқлаб, шакл беради.

